

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАЗАРБАЕВА ДИЛБАР ОНГАРБАЕВНА

**УСТЮРТ ТЕКИСЛИГИ ТЎҒРИҚАНОТСИМОН ҲАШАРОТЛАРИ
(INSECTA: ORTHOPTEROIDEA) ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Базарбаева Дилбар Онгарбаевна

Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари (Insecta: Orthopteroidea) экологияси..... 3

Базарбаева Дилбар Онгарбаевна

Экология прямокрылоподобных насекомых (Insecta: Orthopteroidea) плато Устюрт..... 21

Bazarbaeva Dilbar Ongarbaevna

Ecology of native insects of the Ustyurt Plateau (Insecta:Orthopteroidea)... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ҚОРАҚАЛПОҚ ТАБИИЙ ФАҢЛАР ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.04.2021.В.79.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАЗАРБАЕВА ДИЛБАР ОНГАРБАЕВНА

**УСТЮРТ ТЕКИСЛИГИ ТЎҒРИҚАНОТСИМОН ҲАШАРОТЛАРИ
(INSECTA: ORTHOPTEROIDEA) ЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАҢЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Нукус -2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.4.PhD/B525 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.aknuk.uz) ва «Ziyo Net» Ахборот таълим тармоғида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Медетов Махсетбай Жапакович
биология фанлари доктори, катта илмий ходим

Расмий оппонентлар:

Шамуратова Нагима Генжемуратовна
қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор

Жугинисов Танирберген Исаевич
биология фанлари (DSc) доктори, доцент

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илимий даражалар бериувчи DSc.02/30.04.2021.B.79.01 Илмий кенгашнинг 2022 йил “__” __ соат ____ даги мажлисида бўлади (Манзил: 230100, Нукус шаҳри, Бердақ шох кўчаси 41, институт кичик мажлислар зали. Тел: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99861) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz).

Диссертация билан Қорақалпоқ табиий фанлар илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақам билан рўйхатга олинган).

Диссертация автореферати 2022 йил “__” ____ да тарқатилди.

(2022 йил “__” даги ____ рақамли баённомаси)

Аимбетов Нагмет Каллиевич

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,
Академик

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, б.ф. PhD

Матчанов Азат Таубалдиевич

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
Қошидаги Илмий семинар раиси, б.ф.д.проф

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон миқёсида кишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб бериш жарёнларига хавфли зараркунанда ҳашаротларнинг салбий таъсири йилдан-йилга ортиб бориши сабабли, озиқ-овқат хавфсизлиги учун зараркунанда турлари билан қарши кураш тизимини рационализация қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада, тўғриқанотсимонлари фаунаси сон динамикасини таҳлил қилиш, популяциялар тарқалишининг замонавий ҳолатини баҳолаш, янги таксономик бирликларни аниқлаш, биологик энтомофаунанинг ҳаёт шакллариغا асосан экологик гуруҳларининг тавсифлаш, ҳашаротларнинг зарарли турларига қарши кураш тадбирларини ишлаб чиқиш ва уларни сонини бошқариш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Дунёда етакчи илмий марказларда глобал иқлим ўзгаришлари ва кучли антропоген таъсирлар оқибатида табиий ландшафларда содир бўлаётган жараёнлар ҳайвонотлар биохилма-хиллигига сон ўзгаришига таъсири, ҳашаротларнинг агробиоценозда тарқалиши, кишлоқ хўжалик майдонлари ва экинларида тарқалган бўғимоёқлилар экологияси, зарарли турларга қарши кураш тадбирларини амалга ошириш бўйича кенг кўламли тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг экологиясини, таксономик таркибини инвентаризация қилиш ва уларнинг тарқалишини ҳамда зараркунанда турларига замонавий кураш чора-тадбирларини такомиллаштириш муҳим устуворлик касб этмоқда.

Республикамизда аҳолини сифатли озуқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида маданий экинлар ва яйловларга катта зарар келтирувчи тўғриқанотли ҳашарот турларига қарши кураш йўлларини ишлаб чиқиш, барқарор ривожланиш ва экотизимларда биологик жонзотлар орасидаги экологик мувозанатни тартибга солиш чора-тадбирлари ишлаб чиқилиб, муайян илмий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "...илмий ва инновацион ютуқларни амалиётга тадбиқ этишнинг самарали механизмларини яратиш" бўйича вазифалар белгилаб берилган. Бу эса Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари тур таркибини тўла ўрганиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш, ландшафтлараро тарқалиш ва фаунасининг шаклланиш қонуниятларини ўрганиш, экологиясини таққослаш, зоогеографик тақсимланиши ва шу маълумотлар асосида уларнинг электрон маълумотлар базасини яратиш, уларни тадқиқ қилишда ГАТ (Геоахборот тизими)ларини жорий қилиш асосларини ишлаб чиқишда янада долзарб аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 19 сентябрдаги “Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги” Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 7 ноябрдаги “Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси объектларининг давлат ҳисобини, улардан фойдаланиш ҳажмлари ҳисобини ва давлат кадастрини юритиш тўғрисида”

ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”¹ги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишнинг асосий устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишнинг V “Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф-муҳит муҳофазаси” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўзбекистон тўғриқанотлилари тур таркиби, систематикаси М.В. Столяров (1966), Р.А. Алимджанов (1974), А.А.Бекузин (1968), Н.Э. Эргашев (1982), Г.Ш. Шомуратов ва Л.М. Копанева (1985) ишларида қайд этилган. Зарарли турларга қарши кураш чоралари Ф.А. Гаппаров (1983, 2001, 2014), А.А. Нуржанов (1989), Ш.К. Худанов (1998), А. Хаитмуратов (1999), М.Ж. Медетов (2012, 2018) тадқиқотларида келтирилган. Марказий Осиёда тарқалган тўғриқанотли ҳашаротлар фаунаси, турлар таксономияси ва экологиясига оид маълумотлар А.П. Федченко (1872, 1878), Г. Соссюр (1874), Г.Г. Якобсон (1905), Б.П. Уваров (1927), В.П.Поспелов (1939), М.К.Чильдебаев (2017) олимлар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатлари олимлари томонидан зарарли чигиртка турлари систематикаси, морфологияси, тўғриқанотлиларнинг экологик хусусиятлари ва зоогеографияси Ф.Н. Правдин (1978, 1980), М.Г.Сергеев (1986), И.К. Лопатин (1989), О.Л. Крыжановский (2002) олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган .

Ҳорижий давлат олимлари тўғриқанотлилар тур таркиби ва зарарли чигирткаларнинг тарқалиш ареалларининг хариталаштириш ҳамда популяцияларини назорат қилишда ГАТ тизимини яратишда: Fermin A.M. ва бошқ. (2013), А.В. Лачининский ва бошқ. (2001), Agabiti V. ва бошқ. (2006), Oliveira P.A. (2001) томонидан изланишлар олиб борилган.

Бироқ, юқоридаги тадқиқот ишлари Оролбўйи шароитларида ҳудудларида тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тур таркиби, ландшафтлар бўйича тарқалиши, зоогеографияси ҳақида тўлиқ маълумотлар бера олмайди. Шунга кўра, тўғриқанотсимонларнинг келиб чиқиш марказини асослаш, фаунанинг тур таркиби ва таксономик структурасини аниқлаш, тўғриқанотлилар ҳаётини шакллари тавсифлаш, озикланиш типига асосан турли-туманлигини очиқ бериш, ҳамда зарарли турларига қарши атроф-муҳит учун экологик безарар кураш усуллари ишлаб-чиқишга тадбиқ этиш муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Нукус давлат педагогика институти илмий тадқиқот ишлари

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” ги Фармони.

режасининг “Қорақалпоғистоннинг хайвонатлар оламини биоэкологик морфо-физиологик тадқиқотлари ва натижаларини биология фанларин ўқитишда фойдаланиш имкониятларини ишлаб чиқиш” мавзусида амалга оширилган илмий тадқиқот ишлари (2015-2019 йй.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг экологиясини аниқлашдан иборат.

Тадқиқот вазифалари:

Устюрт тўғриқанотсимонлар бош туркуми фаунаси тур таркибини аниқлаш ва таксономик тузилишини аниқлаш;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг ҳаётий шаклларини, фенологик жихатларини асослаш;

Устюрт текислиги абиотик омилларининг тўғриқанотсимонлар ривожланишига таъсирини очиб бериш;

тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг трофик алоқаларини таҳлил қилиш;

тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунаси коллекциясини яратиш, ГАТ методлари асосида тўғриқанотсимон ҳашаротларни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Устюрт текислиги турли ҳудудларида тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротларининг 6 та туркуми, 14 та оила, 57 авлодларига мансуб 60 тур ва 21 та кенжа турлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг популяцион динамикаси, тарқалиши ва экологик хусусиятларини аниқлашни ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда зоологик («Mantodea Species File», «Cockroach Species File») экологик (флористик, фаунистик), энтомологик (ҳаво тўри, флотация) эко-фаунистик (камерал, динамик зичлиги), статистик (Excel) ва қиёсий таҳлил (P.Jaccard, кластер таҳлили) усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Устюрт текислиги Orthopteroideаларнинг 6 та туркуми, 14 та оила, 57 авлодларига мансуб 60 тур ва 21 та кенжа турлардан иборат фаунаси аниқланган;

илк бор Ўзбекистон фаунаси учун тўғриқанотсимонлар бош туркими вакилларидан *Bicolorana Zeuner*, 1941 авлоди, *Bicolorana bicolor* (Philippi, 1830) ва *Chorthippus angulatus* Serg. Tarbinsky турлари аниқланган;

ҳудуднинг биологик хилма-хиллигини сақлаб қолиш, тўғриқанотсимонлар бош туркими вакилларига мансуб 60 тур ва 21 та кенжа турлардан иборат гуруҳлари инвентаризация қилинган;

Устюрт текислигининг ландшафтларига ва экологик омилларига боғлиқ ҳолда тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тарқалиши, тақсимланиши кескин континентал шароитда биоценотик муносабатлар хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг экологик мониторинг таҳлили асосида энг кам бўлган турларини сақлаб қолиш, муҳофаза қилиш ва энг кўп миқдордаги турларининг хўжалик аҳамиятини белгилаб бериши бўйича чора-тадбирлари ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон тўғриқанотсимон ҳашаротлари ҳақидаги яратилган, ахборотларни сақловчи, қидирувчи ва ҳисоботларни тайёрловчи функциялардан ташкил топган маълумотлар базасига Устюрт текислиги учун хос турлар бўйича биоматериаллар киритилган ва тавсиялар ишлаб чиқилган;

Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг 6 туркум 14 оиласига мансуб 81 турининг кадастр тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Тадқиқот ишида дала, лаборатория ва камерал усулларда ва ёндошувлар асосида олинган тажрийба натижалари назарий маълумотларга мос келиши Устюрт текислиги тўғриқанотсимонлари фаунасини тўла таҳлили ва статистик таҳлил қилинганлиги, диссертация амалий натижаларини етакчи хорижий журналларида чоп этилганлиги ҳамда ишлаб чиқилган тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти энтомофаунанинг ривожланиш ва тарқалиш динамикаси, биотопларда айрим турларнинг йўқолиб кетиши ва уларнинг ўрнида янги турларнинг пайдо бўлиши тўғрисидаги мавжуд илмий тасаввурларнинг кенгайтишига ҳамда минтақанинг энтомофауна бўйича илмий асосланган маълумотлар базасини яратишга асос бўлиб хизмат қилишлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг йўқолиб кетаётган ва кам учрайдиган турларининг тарқалиш ҳудудларни аниқлаш ва уларни муҳофаза қилиш, Ўзбекистон Қизил китобига киритиш бўйича тавсия ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари (Insecta: Orthopteroidea) экологияси бўйича олиган илмий натижалар асосида:

Устюрт текислигида аниқланган 6 та йўқолиб кетиш ҳавфи бор ёки камёб тўғриқанотсимон ҳашаротлар турларини Ўзбекистон Қизил китобга киритиш учун тавсия қилинганлиги, тўғриқанотсимонларнинг ҳаёт шакллари акс эттирувчи 17 та тасниф бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қарақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш қўмитасида амалиётга жорий этилган (Қарақалпоғистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2021 йил 16 апрель 01/18-835 маълумотномаси). Натижада, Шимоли-ғарбий Ўзбекистон шароитида табиий ва антропоген ҳудудларида тарқалган ҳимояга муҳтож 11 та тўғриқанотсимон ҳашаротлар популяциялари ҳолатини баҳолаш ва уларни сақлаб қолишда, ҳудудлар бўйлаб тўғриқанотсимонларнинг фенологик спекторларини аниқлаш ва Устюрт

платоси тўғриқанотсимонлари юзасидан кадастр маълумотлари ишлаб чиқиш имконини берган;

Устюрт текислиги тўғриқанотсмон туркумига тегишли бўлган 81 тур ва кенжа турларга мансуб 132 нусха ҳашаротлар намуналари республикада етакчи бўлган “Зоология коллекцияси” ноёб объектига киритилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси 2021 йил 26-август 4/1255-2373 маълумотномаси). Натижада, Устюрт текислиги табиий ҳудудлари бўйича тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлар коллекция намуналари фондини бойитган ва улар популяциялари замонавий ҳолатини баҳолаш ҳамда интерфаол атласлар тайёрлашда ва ҳашаротлар тарқалишини ГАТ харитага тушириш, турлар ареаллари ўзгариш жараёнларини мониторинг қилиш имконини берган;

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 халқаро ва 1 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари натижалари чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 мақола, жумладан, 4 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 114 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг ўрганилиш ҳолати”** деб номланган биринчи бобида тўғриқанотсимонларнинг ўрганилиш тарихи, биохилма-хиллиги, МДХ давлатлари ҳамда Марказий Осиёнинг табиий ва антропоген ҳудудларида олимларнинг тўғриқанотлилар бўйича олиб борган илмий изланишлари ҳамда улар эришган ютуқлар тўғрисида маълумотлар таҳлили келтириб ўтилган.

Диссертациянинг **“Устюрт текислиги табиати, тажрибалар ўтказилган жойи ва қўлланилган услублари”** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ҳудуднинг табиати, тадқиқот материаллари ва усуллари тўғрисида маълумотлар берилган. Тўғриқанотсимонларни тадқиқ қилиш

ишлари 2018-2021 йиллар давомида олиб борилди. Уларнинг фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш ишлари белгиланган маршрутлар бўйича ва белгилаб олинган ҳудудларда ўтказилди (1- расм).

Ҳашаротлар намуналарини йиғиш, уларнинг таксономик ҳолатини аниқлаш, коллекция намуналарини тайёрлаш тегишли усулларда олиб борилди (Лачининский ва б., 2001; Правдин, Мищенко, 1982, (Песенко, 1982, Мэггеран, 1992, Дунаев 1997, Голуб 2012). Тадқиқот ишлари давомида личинка ва имаго ҳолатидаги 5 мингдан ортиқ ҳашарот намуналари йиғилди ва ўрганилди.

Физик-географик минтақаларга кўра (Л.Н. Бабушкин, Н.А. Когай), Устюрт Марказий Қозоғистон вилоятининг бир қисми сифатида қаралади ва замонавий ландшафтларнинг шаклланиши учун геологик, геоморфологик ва палеогеографик шароитларнинг бирлигига кўра физик-географик бирлик сифатида ажралиб туради.

Фаунасини аниқлаш учун материаллар йиғиш ишлари белгиланган маршрутлар бўйлаб олиб борилди. 1-расмда:

1- Қамишзорда; 2- биюрғунли-боялишли комплекс; 3-шувоқзорда; 4- швоқли-куйреукли-биюрғунзорда; 5-биюрғунзорда; 6-саксовулзор; 7-аралаш бутали юлғунзорларда; 8- буғдойикзор; 9- бедазор,10- ҳар хил ўтли-шўразор ўсимликлар стацияларида тарқалиши ҳам белгиланган.



1-Расм. Тадқиқот ҳудуднинг карта-схемаси

Изоҳ: — тадқиқот маршрути

Диссертациянинг “Устюрт текислиги тўғриқанотсимон хашоратларининг таксономик тавсифи ва тарқалиши” деб номланган учинчи бобида тўғриқанотсимон ҳашаротларга тавсиф бериб ўтилган бўлиб, Устюртда тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлар туркуми тур таркиби ва таксономик шарҳи келтириб ўтилган.

Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари фаунасини ўрганиш борасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида тўғриқанотсимонларнинг таксономик тизими аниқланди. Унга кўра, ўрганилаётган ҳудудда сувараклар, термитлар туркуминин (*Blattidae*), (*Ectobiidae*), (*Hodotermitidae*) оилаларининг 1 тадан авлодга 1 тадан тури, Бешиктерватарлар туркумининг (*Mantidae*) оиласининг 5 авлод бешта тури, (*Empusidae*) оиласига мансуб, 1 авлоди ва 1 тури, териқанотлиларнинг (*Labidurida*) 1 та авлоди 1 тури, таёқчасимонларнинг (*Diapheromeridae*) оиласининг бир авлод 2 тури, тўғриқанотлилардан темирчакларнинг (*Tettigoniidae*) 5 та авлодга мансуб 7 тури, чирилдоқларнинг (*Grylloidae*) 5 та авлодга мансуб 5 тури, бузукбошиларнинг (*Gryllotalpidae*) 1 авлодга мансуб 1 тури, тетригидаларнинг (*Tetrigidae*) 1 авлодга тегишли бўлган 1 тури, пиргаморфидаларнинг (*Pyrgomorphidae*) 2 авлодга мансуб 2 тури, памфигидаларнинг (*Pamphagidae*) 3 авлодга мансуб 6 тур ва ҳақиқий чигирткаларнинг (*Acrididae*) эса 29 авлодга мансуб 47 тур ва кенжа турининг ўрганилаётган ҳудудда тарқалганлиги аниқланди.

Ўзбекистон фаунаси учун Устюрт текислигидан янги аниқланган тўғриқанотсимонлар ҳақида эко-фаунистик маълумотлар бўлимида ҳудудда изланишлар жараёнида Устюрт текислиги табиий ҳудудларида аниқланган, темирчакларнинг бир авлови, авлоди (*Bicolorana*) ва битта тури - *Bicolorana bicolor* (Philippi, 1830), чигирткаларнинг 1 тури *Chorthippus angulatus* Serg. Tarbinsky Ўзбекистон фаунаси учун биринчи бор кўрсатилди.

Устюрт тўғриқанотсимонларнинг бошқа ҳудуд турлари билан қиёсий таҳлили бўлимида Устюрт тўғриқанотсимонлари фаунасини бошқа ҳудудлар Қизилқум чўли, Қўйи Амударё дельтаси ва Жанубий Ўзбекистон ҳудуди билан амалга оширилди. Қиёслаш учун танланган фаунадаги тўғриқанотсимонларнинг ўхшашлик даражаси Р.Жаккард ўхшашлик коэффициенти ёрдамида аниқланилиб, кластер таҳлили амалга оширилди.

Мазкур ҳудуд фаунаси ўзига хос биологик хилма хиллиги анча юқори бўлган ҳудудлардан ҳисобланади. Устюрт тўғриқанотсимонларини фаунаси ва унга қиёсланаётган ҳудудларнинг биологик хилма-хиллигининг ўхшашлик даражаси кўрсаткичлари 1 -жадвалда келтирилган.

Мазкур ҳудудлар тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасидаги ўхшашлик кластер таҳлили амалга оширилганда Қизилқум чўли, Қўйи Амударё дельтаси ва Жанубий Ўзбекистон турларига нисбатан Устюрт фаунасига яқинлиги кўринди, бу уларнинг бир-бирига географик жиҳатдан яқин жойлашганлиги ҳамда умумий генезисга эга эканлиги билан асосланади.

Ўхшашликнинг юқори даражаси Ўрта Осиё чўл турлари ҳисобига, аввало *Acrididae*, *Tettigoniidae*, *Mantidae* оилаларига тўғри келади. Устюрт текислиги ва Қизилқум чўли фаунаси Марказий Осиё ва Қозоғистон чўл ҳамда ярим чўл ареалига хос бўлган *Sphingonotus*, *Calliptamus*, *Dericorys*, *Thrinchus*, *Melanogryllus*, *Platycleis* авлодларига мансуб турлар ташкил этади. Қиёсланаётган ҳар тўрта ҳудуд учун умумий бўлган турлар орасида Қадимий

ўрта ер денгизи, Палеарктик ва Голарктик ареал синфига мансуб турлар ҳам салмоқли ўрин эгаллайди

1-жадвал

Қиёсланаётган тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасининг ўхшашлик коэффициенти


Худудлар	Устюрт текислиги	Қизилқум чўли	Қўйи Амударё дельтаси	Жанубий Ўзбекистон
Устюрт текислиги	1	-	-	-
Қизилқум чўли	0,40	1	-	-
Қўйи Амударё дельтаси	0,28	0,40	1	-
Жанубий Ўзбекистон	0,33	0,41	0,34	1

Изоҳ. Қизилқум чўли (А Давлетшина ва б. (1979), М.Ж. Медетов бўйича (2018), Қўйи Амударё дельтаси (М.Ж. Медетов ва А.А.Нуржанов бўйича (2012)), Жанубий Ўзбекистон (Б.Р.Холматов бўйича (2019) бўйича қиёсланди.

Тўғриқанотсимонларнинг Устюрт минтақаларида тарқалишнинг қиёсий таҳлили бўлимида Устюрт текислигининг ландшафт, иқлим, тупроқ ва геоботаник шароитларига кўра учта минтақага ажратилган ҳолда тадқиқотлар амалга оширилди. Унга кўра Жанубий Устюрт 48, Марказий Устюртда 51 та ва Шимолий Устюртда эса 55 та тур тарқалганлиги маълум бўлди (2- расм).

Устюрт фаунасига тегишли турлардан фақатгина 9 тури (*Severinia turcomaniae*, *Melanogryllus desertus*, *Eremogryllodes semonovi*, *Dericorys annulata roseipennis*, *Sphingonotus nebulosus discolor*, *Sphingonotus eurasius eurasius*, *Eremippus comatus*, *Mesasippus kozhevnikovi kozhevnikovi*, *Chorthippus* (s. str.) *angulatus*) 11.1% Жанубий Устюрт учун хос. Марказий Устюрт учун умумий турларнинг фақат, тўртта (*Chrotogonus turanicus*, *Sphingonotus salinus*, *Dociostaurus tartarus*, *Kazakia tarbinskyi*) тури 4.9 % ни ташкил қилади. Шимолий Устюртда тўғриқанотсимонларнинг энг кўп 55 тури тарқалган бўлиб, фақат бу худуд учун ҳам энг кўп 15 та (*Bicolorana bicolor*, *Platycleis affinis*, *Decticus verrucivorus*, *Caereocercus fuscipennis*, *Oecanthus turanicus*, *Tetrix tartara subacuta*, *Asiotmethis heptapotamicus*, *Tropidopola turanica iliensis*, *Egnatius apicalis*, *Ochrilidia hebetata kazaka*, *Euthystira brachyptera*, *Mecostethus alliaceus turanicus*, *Oedaleus decorus*, *Oedipoda caerulescens*, *Dociostaurus* (s.str.) *brevicollis*) турларни 15.5 % ни ташкил қилади. Устюртнинг учта минтақалар ўртасидаги ўхшашлик даражаларини тақослаганда, Жанубий Устюрт ва Марказий Устюрт ($K_j = 0,22$) энг юқори ўхшашлик даражасига эга эканлиги, Марказий Устюрт ва Шимолий Устюрт ($K_j = 0,16$) фаунаси билан улар ҳам бир хил даражада ўхшашлик борлиги,

Шимолий Устюрт ва Жанубий Устюрт ўртасидаги ўхшашлик даражалари анча паст ($K_J=0,7$) эканлиги аниқланди.



2-расм. Тўғриқанотсимонлар ҳашаротларининг Устюрт минтақаларида тарқалиши (n=81)

Диссертациянинг “Устюрт тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг ривожланишига экологик омилларнинг таъсири” деб номланган тўртинчи бобида Устюрт текислиги табиий иқлим шароитининг тўғриқанотсимон ҳашаротлар ривожланишига таъсири келтирилган. Устюрт текислигида ёғин миқдори 2009 йилдан 2016 йилгача муттасил ортиб, 2017 йили бироз пасайган 116,2 мм, 2018 йили бўлса яна 152,1 мм етган. 2019 йили ёмғир миқдори анча пасайишни бошлаган 102,4 мм борган. Агарда 2009 йилда йиллик ёғин миқдори ўртача 19,5 мм. бўлган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 152,8 мм. ни ташкил қилиб, ёғин миқдори ушбу даврда 7,8 баробар ошган. Шу даврда ёғингарчиликнинг энг кўп миқдори 2015 йилда (168,6 мм.) кўзатилган ва энг паст миқдори 2012 йилда (55,3 мм.) ва 2014 йилда (71,8 мм.) бўлган бўлсалар, кейинги беш йил ичида 2019 йили 102,4 мм яни 40% га камайгани кўзатилган. Шунингдек, атмосфера ҳавоси ҳароратининг йил давомидаги паст ёки юқори даражадаги кўрсаткичларида яққол динамик ўзгаришлар аниқланмаган бўлса ҳам, 2016 ва 2017 йиллар давомида ҳаво ҳароратининг қишги кўрсаткичи энг яхши, яъни деярли совик бўлмаганлигини кўришимиз мумкин.

Худуддаги ёғин миқдорининг бундай кескин ортиб бориши ёки камайиши, қишги ҳарорат энг совуқ ва ёзнинг иссиқ ҳавоси максимал бўлиши тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг сони ва зичлигига кескин таъсир кўрсатган (2-жадвал).

Тўғриқанотсимонларнинг зичлиги ва сони Устюрт текислиги иқлим шароитининг, яъни унинг ўртача ёғин миқдори ва ҳаво ҳароратининг салбий кўрсаткичларига боғлиқ бўлиб, қишнинг қаттиқ совуқ келиши натижасида уларнинг миқдори камайган ва ёғин миқдори баланд бўлган йиллар давомида

уларнинг зичлиги ва сони ортган. Тўғриқанотлиларнинг 2012 ва 2014 йиллар давомида уларнинг зичлиги ва сонини бошқа йилларга нисбатан кам бўлиши киши атмосфера ҳароратининг пасайиб кетиши ва айти вақтда ёғин миқдорининг ҳам камайишига бевосита боғлиқ эканлигини кўрсатган.

2 - жадвал

Устюрт тўғриқанотсимонлар ҳашаротлар фаунасига абиотик омиллар таъсири ва сони.


№	Ўрганилган йиллар	Абиотик омиллар			Умумий йиғилган ҳашаротлар сони (экз./соат).	М ² зичлиги	Турлар сони
		Ёғин миқдори	°C				
			Мин .	Мак .			
1.	2009	19.5	-15	33.4	14	0.2	7
2.	2010	81.3	-14.6	34.6	25	0.6	11
3.	2011	84.7	-15	34.6	20	0.5	9
4.	2012	55.3	-18.8	35	19	0.3	9
5.	2013	113.3	-10.7	33.2	62	4	16
6.	2014	71.8	-16.6	36.4	49	2	14
7.	2015	168.6	-8.8	35.1	240	14	28
8.	2016	152.8	-6.4	33.8	114	10	21
9.	2017	116.2	-6.3	29.0	107	9	22
10.	2018	152.1	-8.8	32.1	119	10	24
11.	2019	102.4	-15	31.0	92	7	13
12	2020	66,7	-12	27.0	67	2	17

Изоҳ. адабиёт (www.metoblue.com) ва 2012-2014 йиллар бўйича М.Ж.Медетов маълумотларидан қиёсланди ва ўрганилди.

Ҳаво ҳароратининг совуқлиги 2015 йил $-8,8^{\circ}\text{C}$ бўлиб, ёғин миқдори 152,8 мм. бўлган ҳолда тўғриқанотсимонларнинг зичлиги 2014 йилгига нисбатан 2.5 боравар, ҳашаротлар сони 49 донадан 240 донагача, 2 дона/ кв.м.дан 14 дона/ кв.м гача популяция сони ошган. Тўғриқанотсимонлардан 2009 йилги тадқиқотлардан буён аниқланмаган *Caereocercus fuscipennis*, *Bicolorana bicolor*, *Tettigonia caudata*, *Decticus verrucivorus*, *Grullatalpa unispina*, *Tetrix tartara subacuta*, *Ptetica crustulata*, *Decticus albifrons*, *Dericorys*

tibilalis, *Calliptamus turanicus*, *Ochridia hebetata kazaka* турларининг ривожланмаётган тухумларига намликнинг ортиши таъсирида личинкалари ривожланган. Шунингдек *Asiotmethis muricatus australis*, *Calliptamus barbarous*, *Dociostaurus tartarus*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti*, *Acrotylus insubricus*, *Duroniella gracilis* турларининг сони ортган булса, аксинча *Platypleis intermedia*, *Strumigerdesertorum desertorum*, *Oedipoda miniata*, *Norostaurus albicornis*, *Leptoternis gracilis* турларининг зичлиги ўзгармаган. Мос равишда бир соат давомида йиғилган 2019 йилги бу кўрсаткичлар ўртасидаги фарқлар 2.6 мартагача камайган. 2019 йилда тўғриқанотсимонларнинг зичлиги 2018 йилгига нисбатан 10 дона/ м² дан 7 дона/ м² гача камайиб, мос равишда бир соат давомида йиғилган ҳашаротлар сони 119 донадан 92 донагача пасайган.

Бобнинг биринчи бўлимида эса тўғриқанотсимонларининг ҳудуд иқлимига мослашиши ва мавсумий фенологик ривожланиш жиҳатлари очиб берилган. Текисликнинг турлича табиий ҳудудлари хилма-хил ҳашарот турларининг йиллик ривожланишида фенологик жиҳатларидан келиб чиқиб бу турлар фенологик спектрлари бўйича кўйидагича тўртта гуруҳларга ажратган (3-расм).




3-расм. Ҳашаротларнинг фенологик спектрлари бўйича экологик гуруҳларга тақсимланиши

Ҳудудда тарқалган тўғриқанотсимоннинг энг кўп баҳорги – ёзги гуруҳи 37 та тур (68.5 %) ни, энг кам иккита тур (3.7 %) ни, Личинка ёки имаго босқичида қишлоқчи турлар ҳамда эфемериодли, эрта баҳорги гуруҳлари 7 тадан (13 %) ни ташкил қилган.

Бобнинг иккинчи бўлимида “Устюрт текислиги хашаротларининг биоценотик алоқалари ва амалий аҳамияти келтириб ўтилган (4-расм).

Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг табиатдаги биоценотик алоқалари ва амалий аҳамиятига кўра қишлоқ хўжалиги зараркунандалари, Қизил китоб турлари, энтомофағлар, индикаторлар, санитар эпидемиологик аҳамиятга

молик турлар, синантроплар, табиатда эркин яшовчилар каби гуруҳларга ажратилган. Тўғриқанотсимонларнинг биогеоценозда яшил ўсимликларни истеъмол қилиши ва ўсимлик массасининг парчаланиши ва минераллашувининг микробиологик жараёнларини стимулятори сифатида аҳамиятли саналади.




4-расм. Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг табиатдаги биоценодик муносабатларига алоқалари ва амалий аҳамиятига кўра гуруҳларга тарқалиши

Устюртнинг текислигининг қамишзорларида, буюрғун-боялишли комплексида, шувокзорларда, шувок - куйреукли - буюрғунзорларда, типик буюрғунзорларда, саксовулзор, аралаш бутали юлғунзорларида, ҳамда ҳар хил ўтли-шўразорлар каби ўсимлик жамоаларида тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг тарқалишига биотик омил сифатида таъсирини ўрганиш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Йиғилган ҳашарот намуналарини таҳлил қилганимизда тўғриқанотлилар туркумининг 81 тури Устюрт текислиги худудининг 10 ўсимлик жамоаларида тарқалганлиги аниқланди (5-расм).


Улардан: қамишзорда- 28 тури; буюрғунли-боялишли комплекс- 52 тур; шувокзорда- 36 тури; шувокли-куйреукли-буюрғунзорда- 37 тури; буюрғунзорда- 35 тури; саксовулзорда-32 тури; аралаш бутали юлғунзорларда- 25; буғдойикзорда -36 тури; бедазорда -37 ва ҳар хил ўтли-шўразорда- 35 тури тарқалганлиги маълум бўлди.

Бобнинг учинчи бўлимида эса **Устюрт тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ҳаёт шакллари**ни ўрганиш борасида олинган натижалар баён қилинган. Тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ҳаёт шакли, озуқаси, ўсимликлар қоплами, тупроғи ва морфоэкологик хусусиятларига қараб кўп йирик кузатувлар ҳамда Ф.Н.Правдин (1980) таклиф қилган усул асосида ҳаёт шаклига кўра экологик гуруҳларига ажратилган (6-расм). Шундай қилиб, Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ҳаёт шакли бўйича энг кўп 16 тури эремобионт; кейингиси 13 тур хортобионт; кетма кетликда мос равишда ҳар бирида 8 та турдан учта факультатив хортобионт, псаммобионт ва тамнобионтлар; ҳар бир гуруҳида учта турдан - қатламности

геофили, ихтисослашган фитофил, фиссуробионт ва геофил пистирмачилар; 3 турдан микрогамнобионт; герпетобионт, геобионтлар ва фитофил пистирмачилар; хар бирида иккитадан тур петрибионт, синантроп ва энг кам биттадан тур криптобионтлар эканлиги аниқланди.



5 –расм. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ўсимлик жамолари бўйича тақсимланиши



6 - расм. Тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ҳаёт шакли ва хар бир гуруҳдаги турлар сони бўйича тақсимланиши

Диссертациянинг бешинчи бобида “Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари фаунасининг экологик мониторинги ва муҳофазага муҳтож турлари кадастр тизими ишлаб чиқиш” деб номланган бешинчи боби икки бўлимдан иборат бўлиб биринчи бўлимида Устюрт тўғриқанотсимон ҳашаротлари био хилма-хиллигининг замонавий

ҳолатини экологик баҳоланган. Тўғриқанотсимон ҳашаротларни йиғишда ва экологик ҳолатини баҳолашда Правдин (1978) томонидан ишлаб чиқилган стандарт услубдан фойдаланилди. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг экологик мониторинг қилиш якуний таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, бу ҳудуд турлари сони ва миқдорига асосан, тўртта жуда кам, кам, дойимий, кўп ҳамда гала ҳосил қилувчиларга ажратилди. Булардан энг кам бўлган тур ёки кенжа турлари бўлиб, мониторинг олиб бориш муддатида ва нуктасида уларнинг фақат биттадан уртагача нусхаси аниқланди ва *Sceptrophasma bituberculatum* Redtenbacher, *Caereocercus fuscipennis* Uv., *Ochrilidia hebetata kazaka*, *Ptetica crustulata* Saussure, *Egnatius apicalis* Stal, *Sphingonotus halocnemi* Uvarov турларини Қизил китобга киритиш учун таклиф қилинди. Шунингдек, мониторинг даврида энг кўп миқдорда учраган - *Anacanthotermes ahngerianus*, *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa), *Locusta migratoria migratoria* L., *Calliptamus italicus italicus* (L.), *Dericorys albidula* Aud.-Serv. қишлоқ хўжалик экинларининг хавfli зараркунандаси ҳисобланади. *Duroniella gracilis* Uv., *Heteracris adspersa* (Redt.), *Platycoleis intermedia*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* турлари эса табиатда организмлар биоценотик ва трофик алоқаларида муҳим аҳамиятга эга.

Олиб борилган мониторинг натижалари асосида олинган бирламчи илмий маълумотлар, Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг давлат кадастрини юритишда, қишлоқ хўжалик экинлари ва яйловларнинг хавfli зараркунандаларининг кўпайишини экологик башорат қилишда, шунингдек, электрон маълумотлар базаси учун асосий манба бўлиб ҳисобланади. Масалан, *Caereocercus fuscipennis* Uv., 1910 Устюртнинг чинк қисмида (жуда кам) учрашади.

Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида Устюрт тўғриқанотсимон ҳашаротларининг муҳофазага муҳтож турлари кадастр тизими ишлаб чиқилган. Ўзбекистон ҳудудида тарқалган тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасини ўрганиш бўйича сўнгги йилларда амалга оширилган тадқиқотлар натижалари бўйича кадастр маълумотлари сифатида муҳофазага муҳтож турлар ва кенжа турларнинг қисқача рўйхати, уларнинг барчаси учун биотопларда тарқалиши, фенологияси ва авлодларининг сони, личинкаларининг озикланувчи ўсимликлари турлари қайд қилинди.

Амалга оширилган тадқиқотлар натижасида Ўзбекистоннинг Биологик ҳилма–хиллик Конвенцияси бўйича мажбуриятларини бажариш доирасида ва шунингдек, биологик ҳилма–хилликни сақлаш ва барқарор ҳолатда ривожлантириш Миллий стратагияси бўйича кадастрни юритиш учун амалиётда фойдаланиши мумкин бўлган тўғриқанотсимон ҳашаротларининг Ўзбекистон Қизил китобига киритиш учун тавсия қилинган 6 та камёб тури белгиланди.

Белгиланган олти та турдан иккитаси *Caereocercus fuscipennis*, *Ptetica crustulata* фақат Устюртга хос ҳисобланади. Уларни ҳудудий муҳофаза қилиш учун кадастр схемаси тузиб чиқиш зарур. Шунингдек,

тўғриқанотсимонлар турлари бўйича тайёрланган бирламчи маълумотлар Миллий даражада кадастр маълумотлари базасини яратиш ва юритиш учун фойдаланилиш имконини беради.

Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротлари (Insecta: Orthopteroidea) экологияси» мавзуси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

ХУЛОСАЛАР

1. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг 6 туркум, 14 оила, 16 кенжа оила ва 57 авлодга мансуб 81 тур ва кенжа тури тарқалганлиги қайд қилинди, улардан темирчакларнинг бир авлови, авлоди (*Bicolorana*) ва битта тури- *Bicolorana bicolor* (Philippi, 1830), чигирткаларнинг бир тури *Chorthippus angulatus* Serg. Tarbinsky Ўзбекистон фаунаси учун биринчи марта аниқланди.

2. Тўғриқанотсимон ҳашаротлар фаунасидаги ўхшашлик кластер таҳлили амалга оширилганда Қизилқум чўли, Қўйи Амударё дельтаси ва Жанубий Ўзбекистон турларига нисбатан Устюрт фаунасига яқинлиги кўринди, Устюрт текислигининг қиёслаш даражаси Жанубий Устюрт ва Марказий Устюрт ($K_J=0,22$), Марказий Устюрт фаунаси билан Шимолий Устюрт эса ($K_J=0,16$) ва Шимолий Устюрт билан Жанубий Устюрт ухшашлик даражалари ($K_J=0,7$) анча паст эканлиги аниқланди.

3. Тўғриқанотсимон ҳашаротларнинг табиатдаги биоценотик алоқалари ва амалий аҳамиятига кўра 7 гуруҳларга ажралганлиги, фенологик ривожланиши аспектига кўра 4 та гуруҳга мансублиги биз томонимиздан биринчи марта кўрсатилди ва уларнинг экологияси аниқланди. Устюрт текислигида атмосфера ҳароратининг кескин ўзгариши ва ёғин миқдорининг ортиши ёки унинг камайиши, тўғриқанотсимонлар зичлиги ва сонига таъсир кўрсатадилганлиги, ўртача ёғин миқдорининг ортиши ва қишнинг илик келиши, ҳашаротлар зичлиги ва сонининг ортишига олиб келади ёки аксинча эканлиги аниқланди.

4. Аниқланган тўғриқанотсимонларнинг 81 турининг 72 тури 88.8 % ўсимликлар билан озиқланувчи фитофаглар, 5 тури 6.1 % ҳақийқий зоофаглар, 4 тур 4.9 % бўлса зоофитофаглар эканлиги ва Устюртнинг қамишзорлигида (*Phragmites australis*) 28 тур (34,56%), буюрғунли-боялишли (*Anabasis salsa* - *Salsola arbusculaformis*) мажмуасида 52 тур (64,19 %), шувоқзор (*Artemisia terrae-albae*) стациясида 36 тур (44,44 %), шувоқли-куйреуқли-буюрғунзорларда (*Artemisia terrae-albae* - *Salsola orientalis*-*Anabasis Salsa*) 37 тур (45,67 %), буюрғунзорларда (*Anabasis Salsa*) 35 тур (43,20 %), қора саксовулзорларда (*Haloxylon aphyllum*) 32 тур (39,50 %), аралаш бутали юлғунзорларда (*Tamarix hispida*, *T. laxa*, *T. pentandra*) 25 тур (30,86 %) буғдойиқзорларда (*Agropyron repens*) 36 тур (44,44 %) ва бедазорларда (*Medicago sativa*) 37 тур (45,67 %), ҳар хил ўтли-шўрозарда (*Salsola arbuscula*) 35 тури (43,20%) 10 та ўсимлик стацияларида 10 та ўсимлик стацияларида тарқалган.

5. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг ҳаёт шакли бўйича 17 экологик гуруҳларга энг кўп 16 тури эремобионт; 13 тур хортобионт; 8 та турдан учта факультатив хортобионт, псаммобионт ва тамнобионтлар; учта турдан - қатламости геофили, ихтисослашган фитофил, фиссуробионт ва геофил пистирмачилар; микротамнобионт; герпетобионт, геобионтлар ва фитофил пистирмачилар ва 2 тур петрибионт, синантроп; энг кам 1 дан тур мигрант, криптобионтлар эканлиги аниқланди.

6. Устюрт текислиги тўғриқанотсимон ҳашаротларининг экологик мониторинг якуний таҳлил қилиш натижалари шуни кўрсатдики, бу худуд турлари сони ва миқдорига асосан 6 тури (7.4%) жуда кам, 28 тури (34.5%) кам, 29 (35.8) дойимий, 16 тури (19.7) кўп ҳамда 2 тури (2.5) гала ҳосил қилувчиларга ажралиб, энг кўп миқдорда учраган - *Anacanthotermes ahngerianus*, *Calliptamus barbarus cephalotes* (Costa), *Locusta migratoria migratoria* L., *Calliptamus italicus italicus* (L.), *Dericorys albidula* Aud.-Serv. қишлоқ хўжалик экинлари ва яйловларнинг хавfli зараркунандалари кўпайишни экологик башарот қилишда ва *Duroniella gracilis* Uv., *Heteracris adpersa* (Redt.), *Platypleis intermedia*, *Pyrgomorpha bispinosa deserti* турлари эса табиатда организмларнинг биоценотик ва трофик алоқаларида муҳим аҳамиятга эга эканлиги бўйича электрон базаси учун манба сифатида ишлаб чиқилди, худудда кам тарқалган *Sceptrophasma bituberculatum* (Redtenbacher, 1889), *Caereocercus fuscipennis* Uv., 1910., *Egnatius apicalis* Stal, 1876, *Ochrilidia hebetata kazaka* (Serg. Tarb., 1926), *Ptetica cristulata* Соссюра, 1884, *Sphingonotus halocnemi* Uvarov, 1925 каби турларини Ўзбекистон Қизил китобига киритиш таклиф қилинади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.02/30.04.2021.В.79.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНЕЙ ПРИ КАРАКАЛПАКСКОМ НАУЧНО-
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БАЗАРБАЕВА ДИЛБАР ОНГАРБАЕВНА

**ЭКОЛОГИЯ ПРЯМОКРЫЛОПОДОБНЫХ НАСЕКОМЫХ
(INSECTA: ORTHOPTEROIDEA) ПЛАТО УСТЮРТ**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Нукус -2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2020.4.PhD/В525

Диссертация выполнена в Нукуском государственном педагогическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.aknuk.uz) и Информационно-образовательном портале «ZiyoNet».

Научный руководитель: **Медетов Махсетбай Жапакович**
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Шамуратова Нагима Генжемуратовна**
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Жугинисов Танирберген Исаевич
доктор биологических (DSc) наук, доцент

Ведущая организация: **Ургенчский государственный университет**

Защита диссертации состоится «_____» _____ 2022 года в _____ часов на заседании Научного совета DSc.02/30.04.2021.В.79.01 при Каракалпакском научно-исследовательском институте естественных наук (Адрес: 230100, г. Нукус, Проспект Бердаха, 41, малый конференц-зал института). Тел.: (+99861) 222-17-44, (+99861) 222-96-72, факс: (+99871) 222-17-44, e-mail: aknuk@mail.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Каракалпакского научно-исследовательского института естественных наук.

Автореферат диссертации разослан: «_____» _____ 2022 г.
(реестр протокола рассылки № «_____» от «_____» _____ 2022).

Аимбетов Нагмет Каллиевич
Председатель Научного совета по присуждению
ученых степеней, Академик., д.э.н

Утемуратова Гулширин Нажиматдиновна
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степеней, PhD б.н.

Матчанов Азат Таубалдиевич
Председатель Научного семинара
при Научном совете по присуждению
ученой степеней доктора наук, д.б.н. проф

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в связи с ежегодным ростом негативного воздействия опасных насекомых вредителей на процессы выращивания сельскохозяйственной продукции уделяется особое внимание на рационализацию системы борьбы с вредными видами для продовольственной безопасности. В этой области, анализ динамики численности прямокрылоподобных насекомых, оценка современного состояния распространения популяций, установление новых таксономических сообществ, характеристика экологических групп на основе биологических жизненных форм энтомофауны, разработка мероприятий по борьбе с вредными видами насекомых имеет важное значение.

В ведущих научных центрах мира проводятся широкомасштабные исследовательские работы по введению в практику мероприятий по борьбе с вредными видами, экологии распространения членистоногих на посевах и сельскохозяйственных площадях, влияние процессов, происходящих в природных ландшафтах на изменение количества биоразнообразия животных вследствие усиленного антропогенного воздействия и глобального изменения климата. В этом направлении исследование экологии прямокрылоподобных насекомых, проведение инвентаризации таксономического состава и их распространения, а также оптимизация мероприятий по современным методам борьбы против вредных видов имеет приоритетное значение.

В республике получены определенные результаты по разработке путей по борьбе с вредными видами насекомых, наносящих большой ущерб культурным посевам и пастбищам, разработке мероприятий по установлению экологического равновесия между биологическими организмами в экосистемах и устойчивого развития с целью обеспечения населения качественными продуктами питания. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан были поставлены задачи «...по созданию эффективных механизмов внедрения в практику научных и инновационных достижений». Поэтому полное исследование видового состава прямокрылоподобных насекомых плато Устюрт, определение их таксономического состояния, изучение закономерностей межландшафтного распространения и формирования фауны, сопоставление экологии, зоогеографического разделения и их основе создание электронной базы данных, разработка основы внедрения ГИС технологий имеет актуальное значение.

Данное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, определенных в Законе Республики Узбекистан «Об охране и использовании животного мира» от 19 сентября 2016 года, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан от 7 ноября 2018 года «О ведении государственного учета, учета объемов использования и государственного кадастра объектов животного и растительного мира», в

Указе Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № ПП-4947 «О Стратегии дальнейшего развития Республики Узбекистан»² и других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики V. «Сельское хозяйство, биотехнология, экология и охрана окружающей среды».

Степень изученности проблемы. Видовой состав, систематика прямокрылых Узбекистана освещены в работах М.В. Столярова (1966), Р.А. Алимджанова (1974), А.А.Бекузина (1968), Н.Э. Эргашева (1982), Г.Ш. Шамуратова и Л.М. Копаневой (1985). Меры по борьбе с вредителями приведены в исследованиях Ф.А. Гаппарова (1983, 2001, 2014), А.А. Нуржанова (1989), Ш.К. Худанова (1998), А. Хаитмуратова (1999), М.Ж. Медетова (2012, 2018). Сведения, касающиеся фауны, таксономии видов и экологии прямокрылых насекомых, распространенных в Центральной Азии, отражены в работах А.П. Федченко (1872, 1878), Г. Соссюра (1874), Г.Г. Якобсона (1905), Б.П. Уварова (1927), В.П.Поспелова (1939), М.К.Чильдебаева (2017).

